

## *Иржис ТАУФЕР*

Иржи Тауфер (1911–1986) XX асрнинг 20-йилларида адабиётга кириб келиб, мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган чех шоуридир. То умрининг охиригача минбар шоури, лирик шоур сифатида фаол ижод қилган. Бадиий таржима соҳасидаги фаолияти ҳам алоҳида эътиборга сазовор, дейши мумкин. Бундан штагари ҳам айрим шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.



### **ТАРЖИМОН САНЬЯТИ ҲАҚИДА МУНОЗАРАЛИ СОНЕТ**

Йўқ, таржимонлик бу – шоирликмас ҳеч,  
Нечун керак таққос? Кошинг чимирма.  
Унга лутат – абжир ханжару очқич.  
Иши шу – бошқалар фикрин симирмак.

Йўқ, отаётган тонг эмас таржима,  
Башпорат ҳам бермас бўронга доир.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**  
144

Үйида не сирлар жүш урса нима,  
Йўқ, таржимон – асло эмасдир шоир!

Майли, ёр билмасанг илҳомга бизни,  
Ёзғирма меҳнату завқ-шавқимизни!  
Бизга тушса қай касб әгасин кўзи –

Кутлар ҳурматимиз жойига кўйиб,  
“Таржимон – бу бизнинг ходим эмас”, – деб  
Айтмас ҳеч вақт ҳатто Незвалнинг ўзи!

### ТАРЖИМОН САНЬАТИ ҲАҚИДА КИНОЯЛИ СОНЕТ

Ёзасан-чизасан саралаб, хиллаб,  
Ишга ҳам ўхшамас бир қараганга.  
Чурқ этмай қофия излайсан йиллаб,  
Шеърни деб, сўз кирап аёвсиз жангта.

Хаёлда отишма – енгмогинг даркор,  
Зўр қалъага хужум бошлар дам – бу дам,  
Лекин жанг, азобнинг не кераги бор,  
Балки сулҳ тузарсан, яшарсан беғам.

Майли, у деб, бу деб сўйласалар ҳам,  
Бизни анойи деб ўйласалар ҳам,  
Олқишу гулчамбар – шоирга, зеро.

Таржимон-чи? Кўпнинг бири, бор-йўқдай.  
У аста тўнғиллар – сўзлари ўқдай:  
“Зар уқам кирибди жонига оро!”

### ТАРЖИМОН САНЬАТИ ҲАҚИДА КЎТАРИНКИ РУХДАГИ СОНЕТ

Жонига тегмас ҳеч – мен биламан, рост,  
Қай бир сўз деб тунлар мижжа қоқмас у.  
Шу хунар, шу ишга кўйгандинир ихлос,  
Шу-чун эринмасу, шу-чун қушуйку.

Реактив танлаган каби кимёгар,  
Керакли сўз излар кўнгли тубидан.  
Маст зўр қофиядан – дил маҳбубидан,  
Урар ётнинг орзу отига эгар.

Хечқиси йўқ, орзу алдаса бот-бот,  
Оғишмай эргашар то экан ҳаёт,  
Кўзидан қочирмас унинг қорасин.

Баайни жангдадир – бўлолмас бегам,  
Ҳеч кимга банд бермас топишмоқнинг ҳам, –  
Эдип каби – топмоқ бўлар чорасин.

### НЕЛАРГА ҚОДИР СЕВГИ

Севги ҳар ишга қодир. Хух деб ўт ёқар музга,  
У оқ қор ойдинида ёнбагирга түшар жой,  
Бир жон, бир танга дўнар ўзин сезган пойма-пой,  
Дўнар бу севишгандар соявони юлдузга.

Хўл перронда, кўрсатар Сомон йўлини ёйиб,  
Емғирда, лабдан ўпиб, жилмаяр маъсумона,  
Аввал юз бор адашган – адашар яна, ёна,  
Айтаверсан ҳаммасин, сўзим кетар кўпайиб.

Бу икков нам юқтирмай, дарёдан учиб ўтар,  
Уммон-ла чанқоқ босар, осмонга қўли етар,  
Кеча бир йилт этмаган қутбга элтар кунни.

Севги ҳар ишга қодир: сукут сақлар, ёзар шеър,  
Золушка туфлиси бор – гар: “Саройда ўйнай”, дер,  
Этиги бор – кезса кенг қадам отиб очунни.

### ИҚРОРДАЙ СОДДА

Сездингки, бор бир бад,  
бонг ургил, албат,  
кес илдизларини – топ, топ, топ эвин,  
титратса гар гулдур момоқалдирок,  
Жон Риддай севин,  
Разолатга қарши, қасдма-қасд ҳар чоқ,  
Ўлгудайин  
Хаётни севгин!

Умр – одамларга қучоқ очмоқдир.  
титраб-қақшаб,  
кўлни кўтариш эмас,  
уқ, уқ: хаёт, нурда азизлик ва сир!  
“Умр” сўзи билан (ким шундай демас?)  
Қайноқ қон ўзани –  
“томир” уйқашдир.

Қон томирин кесмок  
арзир иш дер ким?  
Қон, югур – яшнат жон,  
ишима, шопшил!  
Хаёт санъатига қиласман таъзим,  
аксилхәётни-чи,  
рад этаман, бил.

*Рус тилидан  
Мұхаммадали ҚЎШМОҚОВ таржималари*